

Conclusion

This manuscript proposes a new model that integrates neurotechnology with machine algorithms with a view to improving the statistical analysis of voluminous data streams in the financial sector. The model shows significant improvements in real-time processing, predictive accuracy, and outlier detection, and in the process, enables better decision-making and risk management approaches. Despite early indications of positive performance, additional studies and extended use in modern financial market analysis must occur in order to maximize its full potential.

References

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-358 dated 14.10.2024 "On approval of the Strategy for the development of artificial intelligence technologies until 2030".
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan - No. UP-157 dated 14.10.2024 "On additional measures to support enterprises engaged in export activities in the field of digitalization".
3. Aggarwal, C. C. (2014). *Data Mining: The Textbook*. Springer.
4. Ait-Sahalia, Y. (2002). *Statistical Models of Financial Markets*. Princeton University Press.
5. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). *The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies*. W. W. Norton & Company.
6. Chen, M., Mao, S., & Liu, Y. (2014). Big data: A survey. *Mobile Networks and Applications*, 19(2), 171–209.
7. Cont, R. (2001). Empirical properties of asset returns: Stylized facts and statistical issues. *Quantitative Finance*, 1(2), 223–236.
8. Schmidhuber, J. (2015). Deep learning in neural networks: An overview. *Neural Networks*, 61, 85–117.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Зафар Бердиназаров

*Tashkent International University “Иқтисодиёт ва молия”
кафедраси профессори в.б. и.ф.д., доц.*

Равшан Асамов

*Тошкент Давлат Аграр Университети
International Agriculture University
“Маънавият ва маърифат” департамент бошлиғи,
Иқтисодиёт кафедраси доц. в.б. и.ф.ф.д., доц.*

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган Стратегиясида молия бозорида, шу жумладан,

ссуда капиталлари бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфелини ва банклар фаолиятидаги рискларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилишни республика банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Мазкур йўналишлардаги вазифаларни самарали ҳал қилиш учун тижоарт банклари кредитларининг даромадлилиги ва рисклиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, кредит рискинни баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш, кредитлар баҳоларининг барқарорлигига эришиш, кредитларнинг ресурс таъминотини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш ва инновациялар асосида ривожлантириш, умуман олганда кредит механизмининг методологик ва амалий асосларини такомиллаштириш масалаларини илмий асосларда ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш заруриятини юзага чиқаради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда тижорат банкларининг кредитлаш механизмларида қуйидаги асосий муаммолар сақланиб қолинаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин:

- кредитлаш амалиётида янги инновацион кредит маҳсулотлари, хусусан форфейтинг, контокоррент, факторинг, овердрафт, овернайт, револьверли кредитлар каби маҳсулотлар кенг таклиф қилинмаганлиги;

- талаб қилиб олинмаган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқорилиги;

- муддатсиз депозитларни юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш амалиётининг ривожланмаганлиги;

- даромад келтирмайдиган активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқорилиги;

- кредитлар бозор баҳосини шакллантиришнинг бозор механизмининг етарлича такомиллашмаганлиги;

- соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражасига эришиш;

- таянч (асосий) ставканинг банклараро ставкага таъсирининг пастлиги;

- тижорат банклари активлари ва мажбуриятлари таркибининг оптиммалашмаганлиги;

- тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш кабилар шулар жумласидандир.

Мазкур муаммоларнинг самарали ечимлари сифатида қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- тижорат банклари фаолиятига янги инновацион кредит маҳсулотларини, хусусан форфейтинг, контокоррент, факторинг, овердрафт, овернайт, револьверли кредитлар каби инновацион кредит

маҳсулотларини жозибадорлигини очиб берадиган видеореклама намойишларини кучайтириш;

– талаб қилиб олинадиган депозитларни жозибадор муддатли депозитларга трансформация қилишнинг рақамли (интеграл) восита ва инструментларини жорий қилиш;

– муддатсиз депозитларни юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилишнинг рақамли инструментини жорий қилиш;

– даромад келтирмайдиган активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини оширишнинг рақамли воситасини жорий қилиш;

– кредитлар бозор баҳосини шакллантиришда рақамли мувозанатлашган фоиз ставкасини шакллантириш;

– соф фоизли спред кўрсаткичининг меъёрий даражасига эришишни рақамлаштириш;

– таянч ставкани банклараро кредит, депозит ва пул бозори ставкаларига таъсирини рақамлаштириш;

– тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг таркибини назорат қилувчи рақамли (интеграл) восита ва инструментларни жорий қилиш;

– тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш мақсадида трансакцион депозитларнинг камаймайдиган қолдиғини юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилишнинг рақамли инструментини жорий қилиш шулар жумласидандир.

Мазкур йўналишлардаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш тижорат банкларининг кредитлаш механизмларини бугунги рақамли иқтисодиёт талабларига тезкорлик билан мослашиб боришга катта таъсир кўрсатади.

ФИНАНСОВЫЕ ИННОВАЦИИ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА БАНКОВСКИЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

Султанова Муниса Самат кизи

Научно-исследовательский центр “Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана” при

Ташкентском государственном экономическом университете

Современный мир финансов стремительно меняется под влиянием новых технологий. Финансовые инновации становятся ключевым фактором, определяющим конкурентоспособность банковского сектора. Они не только улучшают качество услуг, но и повышают уровень безопасности, оптимизируют процессы и обеспечивают доступность финансовых продуктов для широкой аудитории.